

"ТАСДИҚЛАНДИ"

Буюртмачи номи:

Куйи Сирдарё ИТХБ хузуридаги

НД ва ЭБ бошлиги

Д.Абдуллаев



"*РМ* 06" 2022 йил

Куйи Сирдарё ИТХБ хузуридаги насос станциялари ва энергетика бошқармаси хисобидаги вертикал тик күдуқларидаги ЭЦВ русумли насосларини мукаммал таъмирлаш.

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

№	Асосий маълумотлар	Бажарувчи
1	Объект номи	Куйи Сирдарё ИТХБ хузуридаги насос станциялари ва энергетика бошқармаси хисобидаги трансформаторларни тубдан таъмирлаш
2	Буюртмачи	Куйи Сирдарё ИТХБ хузуридаги насос станциялари ва энергетика бошқармаси
3	Объектнинг жойлашган манзили	Сайхунобод, Мирзаобод, Гулистон, Сирдаре туманларида жойлашган тик күдуқларда
4	Қатнашувчиларга куйилган талаб	1.Ишларни (хизматларни) бажариш учун зарур бўлган техник машина ва механизмлар билан таъминланганлиги хамда доимий ишловчи мутахассисларнинг мавжудлиги ва уларнинг касбий тажрибаси (стаж) тўғрисида маълумот. 2.Танлова иштирок этадиган корхонанинг солик ва бошқа идоралардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумот. 3.Электроқурилмалар (трансформатор, электродвигател, насослар ва бошқалар) ни мукаммал таъмирлаш ишлари бўйича камида 3 йиллик тажрибага эга бўлишилиги. 4.Вижонсиз ижрочиларнинг ягона реестрида улар хакида ёзувнинг йўклиги тугрисида маълумотнома. 5.Лицензия, гувоҳнома ва ташкилот низоми. Низомда айнан ушбу хизмат турининг фаолиятига рухсат берилганилиги тугрисидаги маълумот.
5	Молялаштириш манбаси. Бажарилган ишларни хисоб-китоби	Молялаштириш манбаси Махаллий бюджет. Бажарилган ишлар далолатномаси ва ишчи комиссиянинг хulosасига асосан якуний хисоб-китоблар амалга оширилади.
6	Ишни бажариш муддати, Бажарилган ишларни топшириш	Шартнома шартларида кўрсатилган муддатларда ишларни якунлаш. Бажарилган ишлар учун кафолат (кафолат хати) муддатларини бериш. (кафолат муддати 6 ой).
7	Иштирокчиларнинг танлов хужжатларига тушунтиришлар бериш учун ариза бериш муддати	Таклифларни топшириш муддати тугашидан 2 кун олдин.
8	Танловнинг утказилиши ва баҳоланиши	Онлайн
9	Ишларни бажариш муддати	60 кун

## БАРЧА ҚУРИЛИШ ВА ТАЪМИРЛАШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!!!

Куйи Сирдарё ИТХБ хузуридаги насос станциялар ва энергетика бошқармаси  
(Буюртмачи ташкилот номи)

Объект номи: Куйи Сирдарё ИТХБ хузуридаги насос станциялари ва энергетика бошқармаси хисобидаги вертикал тик күдуқларидаги ЭЦВ русумли насосларини мукаммал

### таъмирлаш.

Объектнинг бошлангич нархи- 109 038 341,90 сўм (ККС билан.)

Ишларни тугаллаш муддати- 60 календар кун.

Буюртмачи: Куйи Сирдарё ИТХБ хузуридаги насос станциялар ва энергетика бошқармаси. Манзил (Сирдарё вил. Гулистон. шах А.Темур кўч. 53 уй). Тел. 67-227-37-85.

**Молиялаштириш манбаси: Махаллий Бюджет маблағлари хисобидан.**

Молиялаштириш шартлари (агар ТАЖда бошка ҳолат айтилмаган бўлса): бўнак (аванс) – бажарилган ишлар кийматининг 30 фоизи микдорида; жорий молиялаштириш ажратилган бўнак, колган 70 фоизи- бажарилган ишлар тутгисидаги далолатномага асосан ишлар туллик бажарилгандан сунг туланади.

Агар ТАЖда бошқача кўзда тутилмаган бўлса, пурдат шартномасининг валюта тури - ўзбек сўмида.

- Танлов иштироқчилари куйидаги талабларга лойик бўлишлари лозим: иш (хизмат)ларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, мутахассисларнинг етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала лаёкати ваколатларига эга ва тажрибали бўлишлари шарт.
- Маҳаллий ва хорижий курилиш ташкилотлари танловда катнашганда, танлов таклифларини баҳолашда маҳаллий танлов иштироқчиларга куйидаги нарх кўрсаттичлари хисобга олинади;
- Таклифларни баҳолашда иштироқчиларининг танлов таклифлари конун хужжатларига мувофиқ кўшилган киймат солигидан озод килинган импорт килувчиларнинг товар (иш, хизмат)лари кўшилган киймат солиги суммаси кўшимча равишда хисобга олинади.
- Танлов иштироқчилари танловда катнашиш тўғрисидаги таклифлари ва танлов хужжатлари бўйича сўровномалар билан танлов ташкилотчиси Куйи Сирдарё ИТХБ хузуридаги насос станциялар ва энергетика бошқармасига куйидаги манзил бўйича мурожат этишлари мумкин;
- (Сирдарё вил. Гулистон. шах А.Темур кўч. 53 уй). Тел. 67-227-37-85. Иш кунлари соат 8-00 дан 17-00 гача.
- Таасиқланган танлов хужжатлари буюртмачи томонидан жойлаштириладиган давлат харидлари бўйича Elevators.uzex.uz махсус ахборот порталидан юклаб олишлари мумкин

Эълон 2022 йил "12" 06 куни Elevators.uzex.uz сайтида берилган

Куйи Сирдарё ИТХБ хузуридаги насос станциялар ва энергетика бошқармаси бошлиғи:



A handwritten signature in blue ink.

Д.Абдуллаев

## **ТАНЛОВДА ИШТИРОҚ ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФНОМА**

Күйи Сирдарё ИТХБ хузуридаги насос станциялар ва энергетика бошқармаси номидан танловда иштироқчиларини таклиф этамиз ва күйидаги объект бўйича танлов таклифини тақдим этилишини сўраймиз.

Объектр номи: **Кўйи Сирдарё ИТХБ хузуридаги насос станциялари ва энергетика бошқармаси хисобидаги вертикал тик кудукларидаги ЭЦВ русумли насосларини мукаммал таъмирлани.**

Объектнинг бошлангич нархи- 109 038 341,90 сўм (КҚС билан.)  
Ишларни тугаллаш муддати- 60 календар кун.

Буюртмачи: **Кўйи Сирдарё ИТХБ хузуридаги насос станциялар ва энергетика бошқармаси.**  
Манзил (Сирдарё вилояти. Гулистон. Шах. А.Темур кўч. 53 уй). Тел. 67-227-37-85.

**Молиялаштириш манбаси: Маҳаллий Бюджет маблағлари хисобидан.**

Таклиф этилган шартлар бўйича танловда мурожат билан маҳаллий ва хорижий курилиш ва таъмирлаш ташкилотлари иштирок этишлари мумкин.

Танловда иштирок этиши учун иштироқчиларга кўйидаги талаблар кўйилади:

фукаролик-муомала лаёкатланган ва шартнома тузиш ваколатига эга;

доимий ходимлари, жумладан мухандис-техник ходимларига эга бўлиши;

ишлаб турган асосий воситалари, шу жумладан ишлаб чиқариш базаси, машина ва механизмлар, кичик механизация воситаларига эга бўлиши;

ўз айланма маблағлари билан таъминланганлиги ( кўрсатгич 0,2 коэффициентдан кам бўлмаган);

тўловга кодирлиги ( кўрсатгич 1,25 коэффициентдан кам бўлмаган);

танлов объектига ўхшашиб объекtlарга ишлаганлик тажрибаси камидан 3 йилга мавжудлиги;

бажарилган ишлар, шу жумладан ўз кучи билан олдин бажарилган ишлар ҳажми хақидаги маълумотларни тақдим этиш;

устав фонди микдори тўғрисидаги маълумотлар.

Агар танлов предмети бўлган иш (хизмат)ларни бажариш билан боғлиқ фаолият конуну хужжатларига мувофиқ лицензияланиши зарур булса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибида асосан тегишли лицензияга эга булган танлов иштироқчиларга рухсат этилади.

Кўйидаги танлов иштироқчиларига танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

Кайта ташкил этилиш (бўлиниш, кўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар;

мол-мулки мусодарага олингандар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштироқ, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжуд ташкилотлар, инсофсиз етказиб берувчилар реестирида турувчилик.

Ҳар бир объект курилишда ишлатиладиган машина ва механизмлар рўйхати тўлиқ илова килиниши керак.

Ҳар бир объект бўйича танловга эълон берган вақтда ишчилар сони ва инженер техник ходимлар сонини тўлиқ кўрсатилиши керак. Мехнат дафтарчалари ва буйруқ хар бир ишчи билан тузилган мехнат шартномаси бўлиши керак.

Агарда комиссия томонидан текширишда ёки баҳолангандага нотўғри маълумот берилса танлов хужжатлари электрон кўрилмасдан кайтариб берилади ва чиқариб юборилади.

Танлов таклифини тайёрлаш ва тақдим этиш учун керакли барча хужжатлар танлов иштироқчилари учун йўрикномада акс эттирилган.

Танлов иштироқчилари танишиб чиқиш ва танлов таклифини тузиш максадида танлов предметининг лойиҳа хужжатлари, хусусан, лойиханинг график кисми (чизмалари)ни тақдим этилиши хақида танлов ташкилотчисига мурожат килишга ҳақлиdir.

Буюртмачи ёки танлов ташкилотчиси объектнинг лойиҳа хужжатларини, шунингдек унинг график кисмини (чизмаларнинг нусхаси ёки электрон варианти)ни танлов иштироқчилариiga уларнинг биринчи талабиданоқ тақдим этишга мажбур.

Таклифларни топшириш танлов иштироқчининг танлов хужжатларига кўйилган талабларни ўргангани ва унда кўрсатилган ишларни бажариш, ишларнинг физик ҳажмлари, материал ва конструкциялар ҳажмлари ҳамда бошқа шартларга нисбатан лойиҳани тугаллашга таъсир этиши мумкин бўлган саволлар йўклигига далолат хисобланади.

Куйи Сирдарё ИТХБ хузуридаги насос станциялар  
ва энергетика бошкармаси бошлиғи:



Д.Абдуллаев